



ЎУДУДУЛАР САНОАТИНИ КОМПЛЕКС-ИНОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИ (НАМАНГАН ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

Ўусанова Гулчехра

Халқаро Нордик унниверситети

ORCID: 0000-0007-5271-4943

gulchexra2000@mail.ru

Аннотация. Ушбу мақолада Наманган вилояти саноат салоҳиятини ошириш бўйича ишлаб чиқилган саноатни ривожланиш механизми таклиф эилган. Наманган вилоятини комплекс-инновацион ривожлантиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. Саноат ва минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ўртасидаги боғлиқлик, унинг иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровонлигига таъсири илмий асосланган. Вилоятда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденциялари тараққиётининг ҳозирги ҳолати баҳоланган. Мавжуд табиий иқтисодий салоҳиятни чуқур таҳлил қилган ҳолда иқтисодий ўсиш ва аҳоли даромадларини оширишни ривожлантиришнинг асосий омиллари ва хусусиятлари тавсифланган.

Калитли сўзлар: инновация, механизм, модернизация, диверсификация, инвестиция, ЯЎМ, ЯИМ, макроиқтисодий кўрсаткич, бюджет, даромад, ихтисослашув, комплекс, мажмуа, минтақа, ишлаб чиқариш, инфратузилма.

КОМПЛЕКСНЫЙ-ИННОВАЦИОННОГО МЕХАНИЗМ РАЗВИТИЯ РЕГИОНАЛЬНОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ (НА ПРИМЕРЕ НАМАНГАНСКОЙ ОБЛАСТИ)

Ўусанова Гульчехра

Международный университет Нордик

Аннотация. В данной статье предложен механизм индустриального развития, разработанный для повышения промышленного потенциала Наманганской области. Разработаны научные предложения и практические рекомендации, направленные на комплексно-инновационное развитие Наманганской области. Научно обоснована связь промышленности с социально-экономическим развитием региона, ее влияние на экономический рост и благосостояние населения. Оценено современное состояние тенденций социально-экономического развития региона. Описаны основные факторы и характеристики развития экономического роста и увеличения доходов населения с глубоким анализом существующего естественно-экономического потенциала.

Ключевые слова: инновация, механизм, модернизация, диверсификация, модернизация, инвестиция, ВВП, ВРП, макроэкономический показатель, бюджет, прибыль, комплекс, регион, производство, инфраструктура.

COMPLEX-INNOVATIVE DEVELOPMENT MECHANISM OF REGIONAL INDUSTRY (ON THE EXAMPLE NAMANGAN REGION)

Khusanova Gulchekhra
Nordic International University

Abstract. *In this article, the industrial development mechanism developed to increase the industrial potential of Namangan region is proposed. Scientific proposals and practical recommendations aimed at complex-innovative development of Namangan region have been developed. The connection between the industry and the socio-economic development of the region, its impact on economic growth and the well-being of the population is scientifically based. The current state of socio-economic development trends in the region is evaluated. The main factors and characteristics of the development of economic growth and increase in population income are described with a deep analysis of the existing natural economic potential.*

Key words: *innovation, mechanism, diversification, modernization, investment, GDP, GRP, Specialization, Complexity, Mass, Region, Employment, Infrastructure.*

Кириш.

Наманган вилоятининг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти, ҳозирги даврдаги тараққиётда эришаётган ютуқларини Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев қуйидагича таърифлайди: “Наманган вилояти юртимизнинг тез ва илдам тараққий этиб бораётган ўлкаларидан бири саналади. (07.02.2022) Дарҳақиқат, кейинги йилларда Наманган вилоятида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Масалан, ўтган йили 1650 дан ортиқ янги кичик бизнес субъекти ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 15731 тага, вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 80,2 фоизга, саноатдаги улуши 61,9 фоизга етди. Ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг 2022 йилнинг январь-март ойлари давомида 95 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилган (Қарор, 2022).

Адабиётлар шарҳи.

Япон иқтисодчиси Томако Широяманинг “Modern Global Trade and the Asian Regional Economy” номли монографиясида ҳудудлар ривожлаништининг асосий драйвери саноат ривожланиши билан бевосита боғлиқлиги ёзилган (Широяма, 2020)

Шунингдек, Armstrong, Taylorнинг (2021) “Regional economics and policy” китобида ҳудудларни комплекс-инновацион ривожлантиришда университет-бизнес тамойили муҳим эканлигини эътироф этган.

Саноат соҳасида Портернинг (2008) саноат тармоғининг ривожланиш даражаси ва бозордаги ҳиссаси ўртасидаги муносабат бўйича фикрлари муҳим аҳамиятга эга. У саноат корхоналарининг фаолияти ва фойда олишида уларнинг тармоқдаги ривожланиш даражаси ҳамда бозордаги ҳиссаси энг асосий кўрсаткичлар сифатида қаралмаслиги лозим деб ҳисоблаган. Бундай кўрсаткичлар эҳтимолий пул оқимлари ва молиявий воситаларга талабни аниқ кўрсатувчи ишончли кўрсаткичлар эмаслиги, саноат корхоналарининг самарали фаолиятида рақобат кураши стратегияси алоҳида ўрин эгаллашини таъкидлаган.

Технологик укладлар бир неча босқичдан иборатлиги уларнинг мураккаб ички тузилмага эгаллигини кўрсатади. Глазьевнинг (2010) фикрича, асосий технологик бирликлар технологик тузилманинг ядросини ташкил этади. Бундай ядроларни яратишда иштирок этувчи технологик янгиликлар—асосий омил номини олган.

Ташувчи тармоқларда янгиликларнинг тарқалиши билан боғлиқ ҳаракатланувчи саноат тармоқлари юзага келади. Ўз навбатида, бундай тармоқларга —асосий омилни

интенсив равишда истеъмол этувчи ҳамда ундан фойдаланишга энг яхши мослашувчи тармоқлар киради. Улар янги технологик укладларнинг ёйилиши ҳамда ишлаб чиқаришни оммавий янгилаб боришида муҳим ўрин тутди. Замонавий коммуникация, робот технологиялари, янги технологик кашфиёт ва бошқалар янги технологик уклад омили ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларда бешинчи технологик уклад маҳсулотлари ЯИМнинг катта қисмини ташкил этмоқд (Кушлин, 2008).

Санто (2011) инновацияни —ғоялар ва кашфиётлардан амалда фойдаланиш асосида энг зўр маҳсулот ва технологияларни ишлаб чиқаришга олиб келувчи техник ва иқтисодий жараён деб таъриф берган ҳолда, инновация иқтисодий фойда олишга қаратилган бўлса, у ҳолда янги маҳсулотнинг бозорда пайдо бўлиши ва қўшимча даромадга олиб келади, деб таърифлаган.

Розенберг ва Бирдцелл (2020), Растворцева (2020) ғарб мамлакатлари саноатининг иқтисодий ривожланишини узлуксиз имкониятларни ўрганиш ва кейинги ўсишга ижобий таъсир этувчи ўзгаришларга мослашиш, яъни инновация орқали амалга ошганлиги билан боғлайдилар.

Друкернинг (2009) фикрича эса, инновация тадбиркорларнинг алоҳида воситаси бўлиб, у орқали улар бизнес ва хизматнинг янги турини амалга оширишга ҳаракат қиладилар.

Тадқиқот методологияси.

Статистик гуруҳлаш, тизимли ва қиёсий таҳлил, математик моделлаштириш, кузатув, эксперт хулосаси каби усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Наманган вилояти ва унинг туман, шаҳарлари саноат мажмуасини ўрганиш таҳлилига кўра, саноат мажмуасининг ҳозирги ривожланиши экстенсив характерга эга бўлишига қарамай, мавжуд салоҳият юқори технологик маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконини беради. Бу эса тармоқдаги рақобатбардошликни оширади ва минтақа саноатини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш заруратини белгилайди. Умуман олганда Наманган вилояти бошқа вилоятлар орасида республикамизда ўртачадан пастроқда жойлашганини кузатишимиз мумкин. Шу сабабли, Наманган вилоятининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичларини ҳудудларда саноатни комплекс-инновацион ривожлантириш орқали шакллантириш заруриятини келтириб чиқармоқда. Бунинг учун эса, ҳудудларда шарт-шароитларни яратиш, саноатнинг инновацион ривожланишига кенг йўл очиб бериш лозим.

Вилоят иқтисодиётининг асосини албатта қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги, хизматлар соҳаси, саноат тармоғидан эса, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, енгил саноатлар ташкил этади. Шунингдек, кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш, машина ва ускуналардна ташқари тайёрметалл буюмлар ишлаб чиқариш, электр ускуналар ишлаб чиқариш, мебел ишлаб чиқариш саноатлари ҳам кўзга яққол ташланадиган даражада тез ривожланиб бормоқда. Иқтисодий салоҳият ҳудуднинг иқтисодий ривожланишига эришиш йўлидаги барча имкониятлар ҳамда воситалар йиғиндиси ҳисобланади. Минтақанинг юқори даражадаги саноат салоҳияти мазкур ҳудудда яшовчи аҳоли фаровонлигини таъминлашда бирламчи асос ҳисобланади.

Ҳозирги кунда саноат тармоқларини ривожлантиришнинг турли жиҳатларига жавоб берувчи институтларнинг кенг қамровли тизими мавжуд. Бу эса баъзан функциялар такрорланишига олиб келиши ва улар фаолиятини мувофиқлаштиришни қийинлаштириши ҳам мумкин. Бундай номувофиқликлар эса баъзида саноат тармоқларини комплекс-инновацион ривожлантиришда тўсиқларни юзага келтириши ҳам мумкин. Минтақада инновацияларни рағбатлантириш ва технологик трансфер

марказлари, венчур фондлари, саноатни ривожлантириш марказлари сингари инновацион тузилмаларни шакллантириш орқали саноат комплексининг янги ташкилий-иқтисодий механизмини ишлаб чиқиш зарурати мазкур тадқиқотнинг асосий вазифаларидан биридир (1-жадвал).

1-жадвал

Минтақа саноатини комплекс-инновацион ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми¹⁷⁶

Ташкилий механизм		Иқтисодий механизм	
Тадбирлар	Механизм	Тадбирлар	Механизм
IT-академиялари, IT-village, Forsayt маркази, corporate university	Юқори технологик жараён ва инновацион фаолияни шакллантириш	Инновацион саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш	Инновацион маҳсулот ишлаб чиқарувчи саноат корхоналарига имтиёзлар пакетини тақдим этиш
Йирик, ўрта ва кичик фондларни шакллантириш. Саноат уюшмаларини ташкил этиш.	Фондларни яратиш ва экспорт ва савдони қўллаб-қувватлаш	Солиқ, божхона тизимлари бўйича имтиёзлар пакетини янада кўчайтириш.	Қўллаб-қувватлаш
Махсус, мақсадли илмий-техник лойиҳаларни амалга ошириш	Инновацион дастур ва лойиҳаларни шакллантириш	Худудий бошқарувни қўллаш	Ваучерлаштириш
Стартап лойиҳалар ва бизнес инкубаторлар фаолиятини жадаллаштириш	Махсус бизнес полигонларини шакллантириш	Инвесторларни жалб этиш	Инвестицион ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш бўйича имтиёзларни жорий қилиш

Наманган вилоятида саноат тармоғида инновацион сиёсатнинг самараси юқори эмаслигининг асосий сабабларидан бири соҳада институционал базанинг заифлигидир. Биз тақлиф этаётган инновацион фаолиятни худудий бошқарув органлари томонидан қўллаб-қувватлашнинг тизимли схемаси минтақа инновацион ва технологиялар бозорида ўз ўрнини эгаллашига хизмат қилади. Бизнинг фикримизча, Наманган вилоятида саноатни яхлит тизим сифатида ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш учта йўналишда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ (1-расм).

1-расмда келтирилган минтақа саноатини комплекс-инновацион ривожлантириш механизмини амалда қўллаш билан бир қаторда технологик модернизация учун илмий билимлардан фойдаланишнинг аҳамиятини ошириш лозим. Бу вазифанинг зарурлиги потенциал истеъмолчилар томонидан юқори технологияли маҳсулотларга талаб ва тўлов қобилиятининг пастлиги, асбоб-ускуналарни импорт қилишга кўпроқ қизиқиш, шунингдек, инновацияларни ишлаб чиқаришга жорий этишнинг ёки ишлаб чиқариш даражасининг ўзининг тўлиқ эмаслиги, ўз ишлаб чиқарувчилари томонидан инновацион маҳсулотларни бозорда биргаликда илгари суриш бўйича етарлича фаол ишланмаганлиги билан изоҳланади.

¹⁷⁶ Муаллиф ишланмаси.



1-расм. Наманган вилояти sanoatini kompleks-innovatsion rivojlantirish mexanizmining tavsifi¹⁷⁷

Ўзбекистон Республикасининг 24 июль 2020 йилдаги ЎРҚ-630-сонли “Инновацион фаолият тўғрисида”ги ва 29 октябрь 2019 йилдаги ЎРҚ-576-сонли “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6 ноябрь 2020 йилдаги ПФ-6108-сонли “Ўзбекистоннинг Янги Тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини рivojlantirish чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 29 октябрь 2020 йилдаги ПФ-6097-сонли “Илм-фанни 2030 йилгача рivojlantirish Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 6 июль 2022 йилдаги ПФ-165-сонли “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Инновацион рivojlantirish стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6 июль 2022 йилдаги ПҚ-307-сонли “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Инновацион рivojlantirish Стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 1 апрель 2021 йилдаги ПҚ-5047-сонли “Илм-фан соҳасидаги давлат сиёсати ва инновацион рivojlantirishдаги давлат бошқарувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15 октябрь 2022 йилдаги 606-сонли “Республика ҳудудларида инновация ва инвестиция фаолиятини жадаллаштиришнинг

¹⁷⁷ Муаллиф ишланмаси.

кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ва тегишли давлат дастурларининг қабул қилиниши саноат ишлаб чиқаришини оширишда илм-фан ва таълим тизимини ривожлантиришни таъминлашга катта ҳисса қўшди.

Ҳозирги кунда минтақа саноатини ривожлантириш имконини берувчи бир қанча сценарийлар мавжуд. Биз улардан бирини танлашга мажбурмиз. Биринчиси инерцион, яъни саноатни табиий хом ашё ва энергия манбаи асосида ривожлантириш. Бу сценарий асосида ривожлансак, у аста-секин ўз ресурсини тугатиши мумкин. Иккинчи сценарий инновацион технологик ютуқ асосида саноат тармоғини ривожлантиришдан иборат. Бунинг учун ўрта муддатли истиқболда инновацион капитал қўйилмалар ҳажмини сезиларли даражада (ҳажм бўйича) ошириш керак. Саноат характеридаги муҳандислик ишлари нолдан яратилиши керак. Саноатнинг моддий-техник базасини модернизациялаш учун янги технологик база ва янги тузилмада асосий воситаларни техник қайта жиҳозлаш бўйича давлат дастурини ишлаб чиқиш керак.

Аввало, минтақада инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлаш лозим. Шу муносабат билан таъкидлаш жоизки, илмий тадқиқот ишланмаларини молиялаштириш ҳажмининг кўпайиши умуман эмас, балки инновацион жараённинг барча босқичлари ва турлари кесимида энг оқилона тарзда тақсимлангандагина ижобий ижтимоий-иқтисодий самара беради.

Инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида фан ва техника ютуқларидан самарали фойдаланган ҳолда минтақа саноатини ривожлантиришда замонавий инновацион бошқариш усуллари жорий этиш ҳам муҳим шартлардан бири бўлиб қолмоқда. Шунингдек, бу йўналишда устувор лойиҳаларни амалга оширишда давлатнинг қўллаб-қувватлаши муҳим омиллардан бири бўлиб, ИТТКИга давлат буюртмаларини шакллантириш, лойиҳалар учун вилоят даражасида маълумотлар базасини шакллантириш, интеллектуал фаолият натижалари ва уларга тенглаштирилган воситалар ҳимоясини таъминлаш, инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш бўйича вилоят ҳокимлиги фонди, тадқиқотларни ривожлантириш бўйича бюджетдан ташқари жамғарма фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқ.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, вилоятнинг туман ва шаҳарларидаги саноат корхоналарига ноёб ва илғор технологияларни жалб этиш мақсадида технологиялар трансфери марказларини яратиш, қўллаб-қувватлаш ва уларни минтақавий тармоққа интеграциялаш муҳим ҳисобланади. Технологиялар трансферининг минтақавий тармоғи мамлакат даражасидаги тармоққа уланиши лозим. Тармоқдаги ҳамкорликда ишлаш корхоналарга рақобатбардошликни ошириш, янги технологиялардан фойдаланган юқори технологик лойиҳаларни ишга тушириш учун янги ҳамкорларни топиш имконини беради.

Муаллиф томонидан Наманган вилоятида технологиялар трансфери марказини ташкил этиш ва ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилган. Концепциянинг ўзига хос хусусияти вилоят иқтисодиёти ва саноатини келажакда яхлит тизим сифатида қарашдан иборат. Бунда асосий ёндашув биринчидан, вилоят саноатини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг таянч ва асосий ўсиш нуқтаси сифатида қараш, иккинчидан вилоятни жаҳон ва мамлакат миқёсида алоҳида тармоқлар бўйича ихтисослашувини таъминлашдан иборат.

Юқоридаги тадбирлар билан бир қаторда, саноат комплексини молиялаштирувчи институтларни ривожлантириш ҳам муҳим таркибий қисм ҳисобланади. Вилоятдаги саноат корхоналарида модернизацияни сифатли амалга ошириш мақсадида имтиёзли фоиз асосида (масалан 5 %) мақсадли қарз берувчи ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш лозим. Қўллаб-қувватлаш доирасида амалга оширилувчи асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

Бошланғич дастур. Кичик инновацион корхоналарга қайтарилмаслик шarti билан субсидиялар ажратиш.

Ривожлантириш дастури. Электр техникаси, кимё, озиқ-овқат, енгил саноат тармоғи соҳаларида кичик корхоналарни молиялаштириш. Илмий дастур. ИТТКИни амалга ошириш ва бажариш бўйича йирик корхоналарни молиялаштириш.

Тижорат дастури. Инновацион лойиҳаларни амалга оширишда кичик корхоналарга молиявий кўмак бериш. Шунингдек, биз саноатни ривожлантириш жамғармасини ташкил этишни тавсия этамиз. Саноатни ривожлантириш жамғармаси нодавлат, нотижорат ташкилот сифатида шаклланиб, унинг асосий мақсади ишлаб чиқариш технологик лойиҳаларини молиялаштириш учун қарз олиш имкониятини ошириш, модернизацияни рағбатлантириш ва янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва саноатнинг етакчи тармоқлари бўйича илмий, техник мутахассисларни тайёрлашга ёрдам кўрсатишдан иборат.

Наманган вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасининг етарли даражада ривожланмай қолаётганлиги, худудий ривожланишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми ошиши ўз аҳамиятини сақлаб қолаётганини кўрсатди.

Хулоса ва таклифлар

Ўрганилган тахлилий маълумот натижаларига асосан қуйидаги таклиф берилди:

1. Вилоятда илмталаб саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш лозим. Бу йўналишда инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, ИТТКИни молиялаштириш, инновацион инфратузилмаси субъектларига имтиёзлар бериш ва минтақа саноатини ривожланишини қўллаб-қувватловчи марказларни ташкил этиш орқали амалга оширилиши лозим.

2. Минтақада инновацион саноат шакллари ташкил этиш, шунингдек, мавжуд шаклларни ривожлантириш масалалари, вилоят саноат мажмуасини ривожлантириш ва диверсификация қилиш борасида асосий йўналишларни белгилаб олиш лозим.

3. Прогноз натижаларига кўра саноат ишлаб чиқаришининг ЯҲМ ўсишига таъсири катталиги ҳамда инвестицион ва инновацион технологик харажатларнинг алоҳида ўринга эгаллиги юқори технологик саноат тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатди. Бу ҳолатда оптимистик сценарий асосида худуд саноатини ривожлантиришни йўлга қўйиш лозим.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Armstrong M., Taylor J. (2021) *Regional economics and policy*. (2021)- 3 edition. WilleyBlackwell publisher, 448 p

Глазьев С.Ю. (2010) *Современная теория длинных волн в развитии экономики // Экономика и бизнес*. - С. 28-42

Друкер П.Ф. (2009). *Бизнес ва инновация*. /П.Ф.Друкер. – Москва: Вильямс, 292 с.

Кушлин В. (2008). *Выбор модели развития в условиях ужесточения эколого-ресурсных ограничений // Экономист*.-№7. – С. 3–4.

Қарор (2022) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришининг устувор йўналишлари тўғрисидаги Тараққиёт стратегияси”*, (07.02.2022), №ПҚ-4947. / www.lex.uz

Портер М. (2008) *Международная конкуренция*. Пер. с англ. / Под ред. и с предисловием В. Д. Щетинина. – М.: *Международные отношения*, -96-98 с.

Растворцева С. Н. (2020). *Инновационный путь изменения траектории предшествующего развития экономики региона // Экономика региона*. — Т. 16, вып. С. 28-42

Розенберг, Н. (2020) *Как Запад стал богатым. Экономическое преобразование индустриального мира* / Н. Розенберг, Л. Е. Бирдцелл; пер. с англ. под ред. Б. Пинскера. - 3-е изд. - Москва : Социум, - 449 с.

Санто Б. (2011) *Инновация как средство экономического развития*. М.: Прогресс, С. 307

Томако Широяма (2020) *Modern Global Trade and the Asian Regional Economy (Monograph Series of the Socio-Economic History Society, Japan) 1st ed. Edition*.